



---

## ТТА ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

---

### “ЎЗБЕКИСТОН ОТМ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИ: ТАЖРИБА, ЮТУҚЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ

---

Материалы научно–практической конференции  
«Система повышения  
квалификации педагогических кадров в ВУЗах Узбекистана:  
опыт, приоритеты и перспективы развития»

Scientific and Practical Conference Materials  
"System of improvement in pedagogical staff qualification in  
higher educational institutions of Uzbekistan:  
experience, priorities and prospects of development"



Хулоса қилиб айтганда инновациялар ва илғор хорижий тажрибаларни ҳамкорликда қўллаш Олий таълимда кутилган натижага эришиш имконларидан биридир.

## ТИББИЁТ СОХАДАГИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ФАНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Матназарова Г.С., Миртазаев М.О., Неъматова Н.Ў.

*Тошкент тиббиёт академияси*

Ҳар бир олий таълим муассасаси, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини ўқув жараёнига кенг жорий қилиш олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштиришнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3151-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш борасида эпидемиология кафедрасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ишларни бажариш учун ССВнинг, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари билан танишиб, уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Қисқа вақт давомида бакалаврият ва магистратуранинг малака талаблари, ўқув режалари қайта ишланиб, тасдиқлаш учун ССВга тақдим этилди. Шунингдек янги рейтинг низоми бўйича амалий машғулотларнинг 50% кафедрада, 50% ДСЭНМ, ДПМ ва ЎХЮК муҳофаза қилиш марказларида ўтилмоқда. Ихтисослик йўналишлари бўйича махсус ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

АКТ ўқитишнинг замонавий шакллари ва усуллари жорий этиш, замонавий ўқув-лаборатория анжомлари ва ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш, кафедра профессор-ўқитувчиларининг 2017-2018 ўқув йилида малака ошириш режаси ишлаб чиқилди. Режа асосида беш нафар профессор-ўқитувчилар малака ошириш курсларида ўқиб ўз тажрибаларини оширдилар ва буни дарс жараёнларига тадбиқ этмоқда. Эпидемиология фанидан янги, замонавий дарслик тайёрланиб чоп қилинди.

Ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасида интеграцияни чуқурлаштириш, ёш олимлар ва тадқиқотчиларни тизимли тарзда жалб этиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Америка Қўшма Штатлари касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш маркази (CDC ташкилоти) ва Микробиология вирусология, иммунология кафедраси ва ҳамда Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Давлат санитария эпидемиология назорати Бош бошқармаси билан биргаликда муаммоли маъруза ташкиллаштирилди.

Профессор-ўқитувчилар томонидан талабалар билан маънавий-маърифий ишлар олиб борилмоқда. Ҳар ҳафтанинг жума кунлари талабалар билан бирга уларда мафкуравий иммунитетни оширишнинг таъсирчан чораларини кўриш юзасидан: Ўзбекистон республикасининг биринчи президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган “хотира дарси”, “Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!” шиори остида ўтиладиган “мустақиллик дарси”, “1-Октябрь – устоз ва мураббийлар куни”, “Китоб – тафаккур хазинаси”, 10 ноябрь - бутунжаҳон ёшлар куни муносабати билан “Ёшларга эътибор – келажакка эътибор”, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси” каби бир қанча мавзулар юзасидан маънавий дарслари ўтилди.

Кафедрада иқтидорли талаба ёшлар билан ишлаш, битирувчиларни магистратурага чорлаш ишларини мунтазам муҳокама қилиш йўлга қўйилган. Иқтидорли талабар билан ишлаш низоми, дастури ва режаси тузилган. Иқтидорли талабалар рўйхати тузилган ва улар билан ҳар ойда суҳбатлар ва уларнинг илмий раҳбарлари билан мавзулар тадқиқот натижалари муҳокама қилинади. Иқтидорли талабалар билан бир қанча интеграл семинарлар, конференциялар ўтказиш режалаштирилган.

Эпидемиология кафедраси томонидан тиббиёт соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш борасидаги қилинадиган ишлар давом этмоқда.